
Туманда кўп қаватли янги уй-жойлар қад кўтармоқда

Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар, Боғи Эрам МФЙ, Бодомзор кўчасида 57 та хонадондан иборат, 2 та 5 қаватли уй-жойлар қад ростламоқда.

Ушбу кўп қаватли уй-жойлар қурилиш ишлари “Алижўжа Яйпан қурилиш” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилмоқда.

Қурилиш усталари санитария-гигиена ва карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда янги хонадонларни ўз эгаларига сифатли ва кўркам қилиб топшириш йўлида жавлон уриб меҳнат қилишмоқда.

Мазкур янги уй-жойлар жорий йил якунига қадар туманимиз аҳолисига муносиб тухфа сифатида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати











2020-07-15 18:54:22